

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**3-сон**  
**(1023)**  
**2022 йил**  
**январь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

14. ««Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 18 январдаги ўРҚ–746-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

15. «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юкори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ–53-сон Фармони
16. «Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ–54-сон Фармони

17. «2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ–55-сон Фармони
18. «Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ–90-сон қарори
19. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 январдаги ПҚ–91-сон қарори
20. «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарори
21. ««Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги ПҚ–96-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1877/21-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-4*)
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1879/21-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**14 «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақидаги, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот истеъмолчига давлат тилида тақдим этилади. Мазкур маълумот қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин»;

2) **6-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин: «Бунда мазкур маълумот товарларнинг этикеткаларида, тамгаларида, техник ҳужжатида ёки товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) айрим турлари учун қабул қилинган бошқа усулда истеъмолчиларга етказилиши мумкин»;

**иккинчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номи»;

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 январда эълон қилинган.

**иккинчи — ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «бахоси» деган сўз «нархи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўнинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) тўлиқ номи ва жойлашган ери (юримдик манзили), лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг QR-коди (матрицали штрих коди), импорт қилинадиган товарлар учун эса ишлаб чиқарувчининг ҳамда импорт қилувчининг номи ва жойлашган ери (юримдик манзили)»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«товар келиб чиққан мамлакатнинг номи»;

**ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот истеъмолчига давлат тилида тақдим этилади. Мазкур маълумот қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Техник жиҳатдан тартибга солиниши мажбурий бўлган товар бўйича истеъмолчига унинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида тегишли маълумотлар тақдим этилиши керак»;

**тўртинч қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

3) **10-модда:**

**биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товарларни кредитга сотиш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкин. Сотувчининг (ижрочининг) ҳақ тўлаш шаклига қараб товарнинг айни бир маркаси (моделли, артикули), шунингдек бир хил ҳажмдаги ва сифатдаги ишлар, хизматлар учун ҳар хил нархлар (тарифлар) белгилаши, шу жумладан уларни сунъий равишда ошириши ёки пасайтириши тақиқланади. Товарлар (ишлар, хизматлар) учун нақд пулсиз шаклда ҳақ тўланганда, истеъмолчиларга рағбатлантиришлар берилиши мумкин»;

4) **17-модда:**

**тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Товарни кредитга сотиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганлиги муносабати билан товар қайтарилган тақдирда, товар қайтарилгунига қадар шартнома бўйича истеъмолчи томонидан тўланган пул суммаси унга қайтариб берилади, шунингдек кредит олиш билан бевосита боғлиқ бўлган

барча харажатларнинг ҳамда кредит бўйича ҳисобланган фоизлар суммасининг ўрни қопланади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, истеъмолчи томонидан тўланган пул суммасини унга қайтариш товар учун ҳақ тўлаш қандай шаклда амалга оширилган бўлса, худди шундай шаклда амалга оширилади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**5) 18-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар товардан фойдаланилмаган, у шикастланмаган, қадоғи билан қайтарилган бўлса, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган ва ушбу сотувчидан сотиб олганлигини тасдиқловчи асослар бўлса, истеъмолчининг товари алмаштириш ёхуд қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилиши лозим.

Агар тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, истеъмолчи томонидан тўланган пул суммасини унга қайтариш товар учун ҳақ тўлаш қандай шаклда амалга оширилган бўлса, худди шундай шаклда амалга оширилади»;

**иккинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**6) 20-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарда (ишда, хизматда) нуқсонлар борлиги ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмаслиги тасдиқланган тақдирда, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) текширув (тест, экспертиза) ўтказган истеъмолчига ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органларига товарларни (ишларни, хизматларни) текшириш (тестдан ўтказиш, экспертиза қилиш) билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ қоплаши керак»;

**7) 21-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шартномага истеъмолчиларнинг қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқларини камситадиган шартларни киритиш, шунингдек уларга қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва афзалликларни бермаслик тақиқланади»;

**8) 23-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартномавий муносабатларда истеъмолчи қонунчиликда назарда тутилган ўз талаблари қаноатлантирилиши учун устувор ҳуқуққа эга»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда «Ўзстандарт» агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кура-

шиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **25-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«25-модда. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ваколатлари доирасида:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилишини ва унинг амалда рўёбга чиқарилишини амалга оширади;

давлат органларининг ва ташкилотларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) назорат хариди амалга оширилишини, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари билан биргаликда уларнинг экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил этади;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши фактлари мавжуд бўлган тақдирда, тадбиркорлик субъектларида (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) текширишларни ўтказиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг истеъмолчиларга тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиши;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилишига доир масалалар юзасидан расмий тушунтиришлар беради;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчидан (ижрочидан, сотувчидан) зарур ҳужжатларни, тушунтиришларни ва бошқа ахборотни сўраб олади;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) кўрсатма юборади;

истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни судга қадар ҳал қилишни ташкил этишга кўмаклашади;

суд мажлисларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича мутахассис сифатида белгиланган тартибда иштирок этади;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга муурожаат этиш ҳуқуқига эга;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

10) **26-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошидаги «Ўзстандарт» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

11) қуйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-модда. Товарларни (ишларни, хизматларни) ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Товарлар (ишлар, хизматлар) намуналар ва (ёки) уларнинг тавсифи бўйича ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилиниши мумкин.

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига шартнома тузилгунига қадар давлат тилида ёки тарафларнинг келишувига кўра бошқа тилда қуйидаги маълумотларни тақдим этиши керак:

сотувчининг (ижрочининг) номи, унинг манзили ва шикоятларни қабул қилиш тартиби;

ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) тўлиқ номи ва жойлашган ери (юридик манзили), импорт қилинадиган товарлар учун эса ишлаб чиқарувчининг ҳамда импорт қилувчининг номи ва жойлашган ери (юридик манзили);

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) асосий истеъмол хусусиятлари ва ўзига хос хусусиятлари;

лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг QR-коди (матрицали штрих коди);

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархи, етказиб бериш нархи ва тўлов шартлари;

ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафиллик мажбуриятлари, товарни таъмирлаш шартлари, шунингдек уни сақлаш билан боғлиқ хизматлар;

шартномани бажаришнинг бошқа шартлари;

агар даврий равишда товарларни етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш назарда тутилган бўлса, шартноманинг энг кам амал қилиш муддати;

тегишли шартномани тузиш учун таклифларни қабул қилиш муддати;

шартномани бекор қилиш тартиби.

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузилган шартнома бекор қилинганда, сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарни қайтариб бериш амалга ошириладиган жой тўғрисида хабар бериши керак.

Товарни намуна ва (ёки) унинг тавсифи бўйича реализация қилиш чоғида сотувчи (ижрочи) намунага ва (ёки) тавсифга мувофиқ бўлган товарни тақдим этиши, шунингдек истеъмолчига товарни қабул қилиб олишида унинг бутлигини, яроқлилигини ва истеъмол хусусиятлари тўлиқ сақланганлигини текшириш имкониятини бериши шарт. Агар товар намунага ва (ёки) тавсифга мувофиқ бўлмаса, сотувчи (ижрочи) истеъмолчини бу ҳақда олдиндан хабардор қилиши керак. Товар намунага ва (ёки) тавсифга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, истеъмолчи уни алмаштиришни ёки пул суммасини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товарни қайтариб бериш билан боғлиқ барча харажатлар сотувчининг (ижрочининг) зиммасида бўлади.

Истеъмолчининг айбисиз етказилган шикастлантиришлар, шунингдек товарни кўздан кечириш ва уни текшириб кўриш мақсадида қадогини очиш сабабли товар қийматининг пасайиши истеъмолчини шартномани бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Агар шартнома бекор қилинганидан кейин истеъмолчи тўлаган пул суммаси шартномада белгиланган муддат ичида унга сотувчи томонидан қайтарилмаса, сотувчи истеъмолчига шартномада белгиланган муддатлардан ортиқ ҳар бир кечиктирилган кун учун қайтарилиши лозим бўлган пул суммасининг бир фоизи миқдоридан неустойка (пеня) тўлайди. Бунда неустойканинг (пенянинг) миқдори қайтарилиши лозим бўлган пул суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Неустойканинг (пенянинг) тўланганлиги сотувчини шартнома бекор қилиниши муносабати билан юзага келадиган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди»;

12) **30-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга: ваколатли давлат органларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

истеъмолчиларга ахборотга оид ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш, уларнинг натижаларига кўра тайёрланган таклифлар ва тавсияларни ваколатли давлат органларига тақдим этиш ҳамда эълон қилиш;

аҳолининг истеъмолчиликка оид саводхонлигини ошириш бўйича маърифий ишларни амалга ошириш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоратадбирларини амалга оширишда ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларга кўмаклашиш.



Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1, 2, 6 ва 11-бандлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 январь,  
ЎРҚ-746-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **15 Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республикада мавжуд хом ашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калава-си ва трикотаж матони олиб чиқишда ундириладиган йиғимларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдори;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2. 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Жамғарма ҳисобидан субсидия ажратилади. Бунда:

мазкур лойиҳалар доирасида янги ускуналар харид қилинган бўлиши;

ускуна қийматига етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажатлари киритилмаслиги;

лойиҳани фойдаланишга топшириш далолатномаси мавжуд бўлиши лозим.

б) бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ҳамда

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 январда эълон қилинган.

таркибида сунъий тола 80 фоиздан юқори бўлган ип-калава ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилувчи корхоналарга бошланғич 15 фоиз тўловни тўлаш учун хорижий валютада 7 йил муддатгача 3 йиллик имтиёзли давр билан мазкур Фармоннинг 4-банди 4-хатбоши бўйича белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ томонидан кредит ажратилади;

в) бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарга хорижий валютада 1 йил муддатгача 9 ойгача имтиёзли давр билан мазкур Фармоннинг 4-банди 4-хатбоши бўйича белгиланадиган депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда 3 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган миқдорда «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ томонидан экспорт олди молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағларни тўлдириш учун кредит ажратилади;

г) бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини, шу жумладан комисионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналарга:

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилади. Бунда, солиқни кечиктириш муддати тугаганидан сўнг солиқ қарзи ва ҳисобланган фоизлар кечиктириш муддатига тенг муддат мобайнида бўлиб-бўлиб тўланади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мазкур банднинг «г» кичик банди иккинчи хатбошисидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача қуйидаги манбалардан келиб тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилади:

а) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 25 фоизи ва трикотаж мато экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 100 фоизи. Бунда ушбу маблағлар бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш учун ажратилади;

б) пахта ип-калаваси экспорти учун ундириладиган йиғимнинг 70 фоизи. Бунда ушбу маблағлар тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини (ТИФ ТН коди 61 — 63) экспорт қилувчи корхоналарга субсидиялаш учун ажратилади. Ушбу субсидиялар ҳар ойда кейинги ойнинг 20-санасига қадар ҳисобот ойида тушган маблағлар ҳисобидан экспортчи корхоналарга уларнинг тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажмининг қийматига нисбатан тенг улушда ажратилади.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Агентликнинг талабномасига

асосан Жамғармага 25 миллион АҚШ доллари миқдоригаги маблағларни бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялашга беғараз ажратсин.

Молия вазирлиги, зарур бўлганда, ушбу мақсадлар учун 2022 йилда республика бюджетидан Жамғармага қўшимча равишда 250 миллиард сўмга-ча маблағ ажратсин.

Молия вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖнинг талабномасига асосан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача маблағларни суверен халқаро облигацияларни чиқариш ва жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан мазкур Фармоннинг 2-банди «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган мақсадлар учун, мос равишда, 7 йил ва 1 йил муддатларга депозит ҳисоб-варағига жойлаштириб борсин.

Бунда депозит ставкалари «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ томонидан талабнома тақдим этилган кундаги Ўзбекистон Республикаси халқаро облигацияларининг иккиламчи бозордаги котировкалари ставкаси миқдоридан кам бўлмайди.

5. Экспорт қилувчиларнинг экспортолди молиялаштириш учун тижорат банкларидан олган кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация ва кафиллик бериш муддатлари 2024 йил 1 январга қадар узайтирилсин ҳамда ушбу тартиб барча экспортчи корхоналарга татбиқ этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳалари доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг бир қисмини субсидиялаш тартибини;

Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни;

пахта толасини биржа савдоларида сотиш тартибини тасдиқласин.

7. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар пахта толасини мажбурий автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилишини ва ишга туширилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси ҳар ярим йилда Жамғарма ҳисобидан субсидияларнинг мақсадли ажратилишини ҳамда ажратилган субсидия миқдорларининг экспорт ҳажмларига мувофиқлигини ўрганиб, натижалари юзасидан ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.У. Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 январь,  
ПФ-53-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 21 январдаги  
ПФ-53-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6091-сон Фармони 1-бандида:

биринчи хатбошидаги «2022 йил» сўзлари «2024 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу тартиб барча экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлмаган корхоналарга ҳам татбиқ этилади»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «2022 йил» сўзлари «2024 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5989-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махаллий ишлаб чиқарилган базавий сифатдаги пахта толаси Нью-Йорк товар биржасининг энг яқин етказиб бериш оyi учун фьючерс котировкаси қийматидан ошмайдиган бошланғич нархда биржа савдоларига чиқарилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4453-сон қарори 2-бандининг «в» кичик бандидаги «75 фоизи» сўзлари «5 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**16 Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузил-  
масини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбир-  
лар тўғрисида\***

Ҳудудларда қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича 2021 йил 20 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаларини (кейинги ўринларда — жамғармалар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар жамғармаларнинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришдан ҳамда ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган маблағларнинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган харажатлар чегириб қолинганидан сўнг қолган қисмининг 70 фоизи, бундан махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ва «Business city» марказлари ҳудудларидаги ер участкалари мустасно; жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилансинки, жамғармаларнинг маблағлари қўйидаги тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади:

«Янги Ўзбекистон» массивлари, давлат уй-жой дастурларида кўзда тутилган массивлар, шунингдек, махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари (ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, табиий газ тармоқлари ва автомобиль йўли) билан таъминлаш;

қиймати 200 миллиард сўмдан ошадиган, инвесторнинг ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, шунингдек, халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйидаги яхлит ер майдонларида ташкил этиладиган йўл бўйи инфратузилма объектларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 январда эълон қилинган.

аҳоли пунктлари бош режалари, ҳудудларнинг маъмурий-режалаштирув топшириқлари ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Бунда, мазкур бандда кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджети ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам маблағлар ажратилади.

#### 4. Белгилансинки:

жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш марказлаштирилган манбалар ҳисобидан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби асосида амалга оширилади;

жамғармалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар манзилли дастури Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарори билан тасдиқланади;

жамғармалар бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаси шаклида ташкил этилади ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси тугатилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасининг ғазна ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларни Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

6. Жамғармалар маблағларининг ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини ташкил этиш мақсадида, Молия вазирлиги тизимининг умумий штат бирликлари доирасида вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида 2 та штат бирлигидан, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармаларида 1 та штат бирлигидан иборат секторлар ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5552-сон Фармони 9-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

жамғармалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 январь,  
ПФ-54-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**17 2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган:

2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда фармацевтика соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 2-иловага\*\* мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 4-иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (С. Умурзаков):

2022 йил 31 январга қадар мазкур Фармонга 2-иловада назарда тутил-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 январда эълон қилинган.

\*\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш чораларини белгиласин;

бир ой муддатда мазкур Фармонга 3-иловада назарда тутилган истиқболли лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уларни амалга оширишни ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар ва масъулларни белгиласин;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига лойиҳалар ва ҳудудлар кесимида ахборот киритиб борсин.

Комиссияга жаҳон бозорининг конъюнктураси ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Фармонга 2-3-иловаларда келтирилган инвестиция лойиҳалари рўйхатини мунтазам равишда янги лойиҳалари ҳисобига тўлдириб бориш, зарур ҳолларда, уларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини шахсан назоратга олсин;

ҳар ойда лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳа амалга оширилишини муҳокама қилиб, уларни белгиланган муддатда ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб борсин.

3. 2022 йил 1 апрелдан фармацевтика маҳсулотлари харидларига ажратилиши режалаштирилган Давлат бюджети маблағлари миқдори доирасида маҳаллийлаштириладиган фармацевтика маҳсулотларини уч йил муддатга шартнома тузиш орқали кафолатли харид қилиш механизми жорий этилсин. Бунда:

кафолатли харид қилиш шартномаларини тузиш бўйича танловлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан биргаликда шакллантирилган аввал республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболда маҳаллийлаштириладиган субстанциялар, дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари (бундай ном бўлмаган тақдирда, мансуб дори воситалари гуруҳ номлари), тиббий буюмлар ва тиббий техникалар рўйхати (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари рўйхати) доирасида амалга оширилади;

фармацевтика маҳсулотлари рўйхати Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг интернет сайтларида жойлаштирилади ҳамда ҳар йили янгиланиб борилади;

кафолатли харид қилиш шартномаларини имзолаш учун ғолиблар очик танловлар орқали аниқланади ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу танловларда давлат буюртмачиси ва бенефициар мулкдори ҳисобланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга тузилаётган кафолатли харид қилиш шартномалар доирасида олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Молия вазирлиги (Рахимова), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров) билан биргаликда уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан шаффоф танлов асосида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан уч йил муддатга шартномалар тузиш орқали маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизми ва аниқ шартларини белгиланган ҳолда давлат харидлари тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### 4. Белгилансинки:

а) фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширилади, аввал берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалар, уларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан 15 кун муддатда амал қилиши муддатсиз бўлган гувоҳномаларга алмаштириб берилади;

2022 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли ташкилот томонидан расмийлаштирилган «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»га эга маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини ва «ISO:13485» сертификатига эга ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган тиббий буюм ва тиббий техникани мажбурий сертификатлаштириш тартиби бекор қилинади. Бунда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг талабларга мувофиқлиги постмаркетинг назорати ва ихтиёрий сертификатлаштириш орқали амалга оширилади;

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун қабул қилинган буюртмаларга кўра намуналар танлашни ҳудудлардаги сертификатлаштириш органлари экспертлари орқали амалга оширишга рухсат берилади;

б) фармацевтика соҳасидаги чекловларни камайитириш йўналишида:

донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақик;

дори воситаларининг клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чеклов;

ҳалқаро брендлар асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида таркиби бир хил бўлган дори воситаларини бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида ишлаб чиқаришга чекловлар бекор қилинади;

в) зарур амалиётлар (GxP) талабларини тизимли жорий этиш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан фармацевтика соҳасида янги ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари мос равишда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)», «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» ва «Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP)» талабларига мувофиқ равишда ташкил этилади;

фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларни зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш муддатлари 2024 йил 1 январгача узайтирилади;

2022 йил 1 февралдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан коплаб берилади;

2023 йил 1 январдан фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харид танловларида фақатгина «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» стандартлари асосида дори воситаларини, «ISO:13485» стандартлари асосида тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришни ташкил этган ташкилотлар ва «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» стандартларини жорий этган улгуржи савдо ташкилотлари қатнашишига рухсат берилади.

5. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан дорихона ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун «тоза хоналар», сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан дорихона ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоқлаш материаллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинсин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг:

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Tashkent Pharma Park» инно-

вацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига (кейинги ўринларда — Кластер) туташ худуддан қўшимча 80 гектар ер майдонини ажратиш ҳисобига Кластер худудини кенгайтириш;

Кластер худудини кенгайтириш учун ажратиладиган 80 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер участкаларини саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 80 гектар ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартиришда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги компенсация тўловларини, истисно тариқасида ундирмаслик тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) икки ой муддатда:

мазкур бандда кўрсатилган ер участкаларини контурларини белгиланган ҳолда амалдаги фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда ер участкасининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш;

Курилиш вазирлиги (Закиров), «Худудий электр тармоқлари» АЖ (Мустафоев), «Худудгазтаъминот» АЖ (Эшмуратов), «Ўзсувтаъминот» АЖ (Саифназаров) билан биргаликда янги ажратиладиган худудларнинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ва Кластер учун қўшимча ажратилган ер майдонида ўрнатилган тартибда ташкил этиладиган ишлаб чиқарувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ««Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4574-сон қарори 7-бандининг «в» кичик банди ва 11-банди татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков, Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) икки ой муддатда маҳаллий фармацевтика ташкилотларининг республика худудида биофармацевтика йўналишидаги дори воситаларини тўлиқ цикл асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, субстанциялар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва халқаро стандартлар жорий қилинишини жадаллаштириш доирасидаги лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш бўйича «Йўл харита»сини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) Экспортни раф-

батлантириш агентлиги орқали дори воситаларини «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» талаблари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг қўйидаги чораларини жорий этсин:

2025 йил 1 январга қадар фармацевтика маҳсулотларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизгача, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) 5 фоиздан (автомобиль транспортида ташиш ҳолатида) ва 7 фоиздан (темир йўл транспортида ташиш ҳолатида) кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;

экспорт қилувчи фармацевтика ташкилотлари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига фоизсиз молиявий ресурслар тақдим этиш. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдоридан, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда бир йилгача муддатда йиллик 4 фоизли ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир инвестиция лойиҳасини муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши чораларини кўрсин.

11. 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

рецептсиз фармацевтика маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш бўйича;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 январь,  
ПФ-55-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**18 Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали  
механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-  
тадбирлар тўғрисида\***

Капитал бозорини янада ривожлантириш, давлат акция пакетларини капитал бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан 2024 йил 31 декабрга қадар:

Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидаги даромадлари даромад солиғидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларнинг акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар тарзидаги даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган юридик шахслар сингари фойда солиғининг 5 фоиз ставкаси татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан озод қилинади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар тузилганда сотувчи (эмитент бундан мустас-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 январда эълон қилинган.

но) томонидан фойда солиғи ва даромад солиғи ўрнига битим суммасининг 0,3 фоизи миқдорида йиғим тўланади;

акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият акцияларини фонд биржасининг биржа котировка варағидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ушбу жамият овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорларга ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи берилади.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия вазирлигининг 1-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича акциядорлик жамиятлари акцияларининг «Тошкент» республика фонд биржасида бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклифини ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия вазирлигининг асослантирилган таклифларига мувофиқ, жумладан бозор ҳолати ва андеррайтерлар хулосаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига асосан бирламчи (IPO) ва (ёки) иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этиладиган акциялар пакетининг ҳажмини ва савдога чиқариш муддатини белгилаш, уларнинг рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мазкур қарорнинг 1-илловасига асосан акцияларининг оммавий таклифи ўтказилиши белгиланган ҳар бир корхона бўйича алоҳида «йўл хариталари» тасдиқланишини таъминласин.

4. Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 31 декабрга қадар эксперимент тариқасида хорижий банклар ва инвестиция воситачиларига Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ва ўз маблағларининг миқдори 500 млн сўмдан кам бўлмаган маҳаллий юридик шахслар билан шартнома тузган ҳолда, андеррайтинг фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида алоҳида лицензия олмасдан қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган хорижий банклар ва инвестиция воситачилари учун ягона ва шаффоф мезонларни тасдиқласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 февралга қадар эксперимент натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, уни қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган барча иштирокчиларга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.

5. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб маҳаллий эмитентларга ўз акцияларини дастлаб «Тошкент» РФБда жойлаштиригандан сўнг андеррайтер тавсиясига кўра уларни хорижий фонд бозорларида ёки бир вақтда маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–726-сон қарорига асосан банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси фаолиятини амалга оширишга ҳақли эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги икки ой муддатда давлат улуши мавжуд тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси фаолиятини йўлга қўйиш масаласини уларнинг бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқсин.

7. Молия вазирлиги:

манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Тошкент» республика фонд биржасида биржа листингига киритилмаган қимматли қоғозлар савдосини таъминловчи тизимни яратсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги «Фонд биржасида акцияларнинг оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 17 январь,  
ПҚ–90-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 17 январдаги  
ПҚ-90-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 3-банднинг рус тилидаги матнида:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«цена предложения акций путем проведения первичного (IPO) и вторичного (SPO) публичных предложений акций определяется организатором»;

б) қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«сбор заявок на приобретение акций, реализуемых посредством первичного (IPO) и вторичного (SPO) публичных предложений акций, осуществляется организатором или группой организаторов, с которыми заключено соглашение о проведении указанных IPO или SPO;

организатору предоставляется право на выбор инвесторов для распределения акций на основе договора, заключенного с инициатором, а также установление срока запрета реализации инвесторами акций, приобретенных в рамках первичного (IPO) и вторичного (SPO) публичных предложений акций»;

распределение акций посредством IPO и SPO проводится на основе единой цены, определяемой организатором исходя из спроса и предложения на акции».

2. 2-илованинг рус тилидаги матнида:

а) 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Организатором, по результатам предварительного изучения акционерного общества, определяется диапазон цен предложения акций для сбора заявок на покупку акций»;

б) 13-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Сбор заявок на приобретение акций, реализуемых посредством первичного (IPO) и вторичного (SPO) публичных предложений акций, осуществляется организатором или группой организаторов, с которыми заключено соглашение о проведении указанных IPO или SPO»;

в) 15-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15. Цена предложения акций путем IPO и SPO определяется организатором».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**19 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида\***

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2021 йил 5 октябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган қуйидаги халқаро шартномалар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида товар айланмасини кўпайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини кенгайтириш тўғрисидаги битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида Ўзбек-Туркман чегараолди савдо зонаси — Савдо маркази фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мазкур халқаро шартномаларни амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартномаларнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органи белгиланганлиги тўғрисида Туркменистон томонига тегишли билдиришнома юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 18 январь,  
ПҚ-91-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**20 Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳалла) ёшлар етакчиси лавозими жорий этилсин.

2. Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг (кейинги ўринларда — Етакчи) асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Ёшлар баланси»ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

3. Етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида — «Санъат ғунчалари» кўрик танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича «Ёшлар овози», «Ёш мусаввирлар» танловлари ҳамда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёт фестивалини ўтказиш, шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади;

соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида — мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этади, саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда «Ёш эколог» акциясини ўтказиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 январда эълон қилинган.

ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида — «Бир миллион дастурчи», «Дастурлашга биринчи қадам» лойиҳаларини амалга оширади, киберспорт чемпионати ва «Ахборот технологиялари билимдони» танловини ўтказиши;

маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида — «Заковат» мусобақаси, «Қувноқлар ва зукколар», «Зукко китобхон», «Ёш китобхон», «Ёш китобхон оила», «Хорижий тиллар билимдони» ва «Ёш полиглот» танловлари ҳамда «Мунозара» интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этади;

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида — «Ёш чегарачи», «Ёш қутқарувчи», «Қувноқ стартлар», «Темурбеклар», «Тўмарис маликалари», «Шунқорлар», «Ёш ҳуқуқшунос», «Ёш сайловчи», «Ёш депутат» танловлари ҳамда «Мен ҳам аскар бўламан» акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади;

тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида — «Ўзбекистон учун 100 ғоя» ва «Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори» танловлари, «Бизнесга биринчи қадам» грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этади.

4. Етакчилар ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган тадбирлар маҳалладаги ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда ҳар куни ўтказилишини таъминлаб борсин.

5. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси (Турдиев) ва Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев):

ҳар бир маҳаллада «Бир нуронийга ўн нафар ёш», «Кекса авлод учрашувлари» лойиҳаларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда «Ёшлар нуронийлар эътиборида» рукни остида туркум кўрсатувлар тайёрланиши ва эфирга узатилишини таъминласин;

маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари:

ҳар чоракда ҳудудлар кесимида камида бир маротаба ҳаваскор ёшлар орасида мусобақалар ўтказилиши бўйича йиллик режа-графикларини тасдиқлаб, амалга оширилишини таъминласин;

мусобақаларда ижобий натижаларга эришган ёшлар спорт билан мунтазам равишда шуғулланиши ва профессионал спортчи бўлиб етишиши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсин.

Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар Етакчилар томонидан маҳаллаларда тадбирлар ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

## 7. Белгилансинки:

ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар Етакчилар бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган Етакчилар «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўкрак нишони билан тақдирланади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

1-иловада\* кўрсатилган ёрдам турлари Етакчининг тавсияси асосида берилади;

Етакчи ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади;

Етакчи юқорида кўрсатиладиган ёрдам турларини беришни кўзда тутилган ҳар бир мурожаатнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини чуқур ўрганган ҳолда уларни бериш учун масъул идора ва ташкилотларга ўз тавсиясини тақдим этади;

Етакчи бериладиган тавсияларнинг асослилиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилиги учун масъул ҳисобланади.

Ёшлар ишлари агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган ёрдам турларини беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги механизмларни ихчамлаштириш ва соддалаштириш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

## 9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 3 нафар штат бирлигидан иборат бўлган Ёшлар ишлари шўъбаси;

Ёшлар ишлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари тузилмаларида маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилсин.

10. Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларидаги ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорга (директор ўринбосарига) биринчи проректор (директорнинг биринчи ўринбосари) мақоми берилсин.

Давлат умумий ўрта таълим мактабларида директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ёшлар масалаларида идоралараро ҳамкорлик ва Етакчилар фаолиятига кўмаклашиш учун масъул деб ҳисоблансин.

## 11. Белгилаб қўйилсинки:

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ёшлар масалалари билан шуғулланиш ва ҳудудларда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан амалга оширилади;

Етакчиларнинг ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг штат бирликлари умумий ўрта таълим мактабларидаги 10 008 нафар ёшлар етакчилари штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади;

Етакчи лавозимига номзодлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссияларини шакллантириш орқали очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади;

Етакчи лавозимига ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар тайинланади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда штат бирликлари қисқартирилган ходимларнинг иш билан таъминланиши чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

иш фаолияти натижаларига кўра Етакчиларни Миллий кадрлар захирасига киритсин, бунда ушбу Етакчилар танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказилиши мумкин;

икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра Етакчиларнинг лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар Етакчилар учун янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича ўқув семинарларини ташкил этсин.

Ўқув семинарларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўқув семинарларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси юклансин.

14. Етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қўйидагича белгилансин:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдориди;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5 баравари миқдориди;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари миқдориди.

Ёшлар ишлари агентлигига фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Етакчиларни ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилансинки:

бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган Етакчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилади;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдориди, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон Фармонида мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия берилади;

ушбу қарорнинг 7-банди иккинчи хатбошиси, 14-банди ва ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган тадбирларнинг молиялаштирилиши белгиланган тартибда Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолинади, Етакчи лавозимидаги иш стажини навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олишда ҳисобга олинади, шунингдек, уларга олдинги иш жойига қайтганида қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар татбиқ этилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кадрларнинг амалдаги захирасини шакллантириш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идоралар Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган ходимларини кадрларнинг амалдаги захирасига киритиб сафарбар қилади.

16. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар бир Етакчининг иш фаолиятини тўлиқ рақамлаштирсин ҳамда қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи электрон рейтинг тизимини (KPI) жорий этсин:

маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кунлик амалга ошириш ҳолати;

тадбирларда маҳалладаги ёшларни тўлиқ қамраб олинганлик даражаси;

«Ёшлар баланси»ни шакллантириш, «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларини рақамлаштириш даражаси;

хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқанинг йўлга қўйилганлиги.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 мартга қадар:

Етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналарини ажратсин ва уларни моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминласин;

маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Етакчиларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминласин.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда планшетларда фойдаланиладиган дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва Етакчиларга тақдим этсин.

18. Молия вазирлиги ушбу қарор билан ажратилиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромад ва иктисод қилинадиган маблағлари доирасида ажратилишини таъминласин.

19. Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси 2-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Етакчиларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошириши учун услубий кўмаклашиш;

маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг яхлит вертикал «маҳалла — туман — вилоят — республика» бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар самарадорлигини назорат қилиш;

Етакчилар фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлаш.

20. Ёшлар ишлари агентлиги:

икки ҳафта муддатда Етакчининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқласин;

ҳар ҳафтада ҳокимлар ва Етакчилар иштирокида маҳаллаларда амалга ошириладиган ишларни муҳокама қилиб борсин;

Етакчилар фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида ҳар ҳафтада ҳудудларга чиқиб, маҳаллабай ишлаш тизими асосида амалга ошириладиган ишларни жойида ўрганиб борсин;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига ахборот киритиб борсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



21. Етакчиларни уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралashiш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқлансин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида маблағларни ҳар чоракда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилишини қатъий таъминлаб борсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

24. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси К.К. Куранбаев, Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 19 январь,  
ПҚ-92-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 19 январдаги  
ПҚ-92-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3394-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матни 7-бандида:

«Наименование мероприятия» устундаги «первичными организациями Союза молодежи Узбекистана» сўзлари «территориальными подразделениями Агентства по делам молодежи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ответственные исполнители» устундаги «Союз молодежи Узбекистана (К. Куранбаев)» сўзлари «Агентство по делам молодежи (А. Саъдуллаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3402-сон қарорига:

5-банддаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова 3-бандининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» ва «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари раислари» сўзлари тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4231-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошисидаги «, 2018 йил 27 июндаги ««Yoshlar — Kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармонлари» сўзлари «Фармони» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сон қарори 7-бандининг «б» кичик бандидаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги

«Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори 7-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (филиал директорининг биринчи ўринбосари) лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4498-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидан «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси,» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4602-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошисидан «, «Yoshlar — kelajagimiz» дастури» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4768-сон қарорида:

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «75» рақами «71» рақами билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «766» рақами «10 652» рақами билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори (филиал директорининг биринчи ўринбосари) лавозимида номзод Агентлик билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;»;

в) 2 — 4-иловалар\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**21 «Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида  
оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа  
интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбир-  
лар тўғрисида\***

Иқтидорли ёшларнинг мантиқий билимларини ошириш, уларни саралаш ва интеллектуал ўйинларга кенг жалб қилиш, ушбу ўйинлар ташкил қилинишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида:

1. «Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Заковат» интеллектуал ўйини ва бошқа интеллектуал ўйинларни (кейинги ўринларда — интеллектуал ўйинлар) тизимли равишда ривожлантириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар, нотиклик мусобақалари, чет тилларда мунозара ва учрашувлар ўтказиш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратиш;

интеллектуал ўйинлар ва улардаги иқтидорли иштирокчилар ҳақидаги маълумотларнинг электрон платформага киритилишини таъминлаш ва интеллектуал ўйинлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.

3. «Заковат» интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича республика ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Интеллектуал ўйинларни нафақат ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, ушбу ўйинларни оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, миллий интеллектуал ўйинларни шакллантириш, уларни оммалаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

Белгилансинки, Ташкилий қўмита мажлисларида қабул қилинган қарор-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 январда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган баённомалар билан расмийлаштирилади.

#### 4. Белгилаб қўйилсинки:

интеллектуал ўйинлар умумий ўрта таълим мактаблари, Президент таълим муассасалари, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасалари, шунингдек, кўнгилли жамоалар ўртасида тизимли равишда ўтказиб борилади;

Ташкилий қўмита (А. Абдувахитов) тавсиясига кўра интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида ғолиб ва совриндор (1 — 3-ўринлар) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, шу жумладан Президент таълим муассасалари ўқувчилари белгиланган тартибда — ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларига, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари — олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига, олий таълим муассасалари талабалари — таълимнинг кейинги босқичига базавий тўлов контракт асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида ғолиб бўлган ўқувчи ёшлар ва талабалар учун йил давомида ҳар ойда бериладиган «Заковат» стипендияси таъсис этилади ҳамда ушбу стипендия Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

таълим муассасаларида ташкил этилган «Заковат» интеллектуал клубларининг координатори бўлган профессор-ўқитувчиларга директор жамғармаси ҳамда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизи миқдорида бир марталик устама тўлаб берилади.

Ташкилий қўмита (А. Абдувахитов) уч ой муддатда интеллектуал ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тасдиқласин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х. Умарова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) уч ой муддатда интеллектуал ўйинларда ғолиб бўлган ўқувчи-ёшлар ва талабалар учун «Заковат стипендияси»ни бериш тартибларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х. Умарова) билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, босқичма-босқич умумий ўрта таълим мактаблари, Президент таълим муассасалари, ўрта махсус ва профессионал ҳамда олий таълим муассасаларида «Заковат» интеллектуал клублари фаолиятини йўлга қўйсин ҳамда ҳудудлардаги Ёшлар марказларида интеллектуал ўйинлар жамоалари учун алоҳида хоналарни ташкил этсин.

5. Мамлакатимизда интеллектуал ўйинларни янада ривожлантириш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги орқали Давлат бюджетидан «Заковат» интеллектуал клуби» нодавлат нотижорат ташкилотига (кейинги ўринларда — «Заковат» интеллектуал клуби) 2022 йилда 50 миллиард сўм маблағ

ажратилиши белгилансин. Бунда, келгуси йилларда маблағлар «Заковат» интеллектуал клубига асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ажратилади.

Белгилансинки:

мазкур маблағлар интеллектуал ўйинларни ташкил этиш, савол йўллаган телетомошабинларни моддий рағбатлантириш, экспертлар ва ҳакамларга иш ҳақи тўлаш, «Заковат» интеллектуал клуби аъзолари учун очиқ рўйхатдан ўтиш электрон платформасини яратиш ва уни юритиш ҳамда ғолиб бўлган жамоалар аъзоларини ушбу қарорда белгиланган тартибда рағбатлантириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган компьютер ва мобиль ўйинларни яратган дастурчиларга грант ва субсидиялар ажратиш, шунингдек, ушбу ўйинларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

«Заковат» интеллектуал клуби ҳар чорак якуни бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланганлик тўғрисида Молия вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигига ҳисоботлар киритиб боради.

Бунда, «Заковат» интеллектуал клубига мазкур бандга мувофиқ ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметаси Ташкилий қўмита (А. Абдувахитов) томонидан тасдиқланади.

6. 2022 йилдан бошлаб ҳар йили Интеллектуал олимпиада ташкил қилиб борилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Интеллектуал олимпиада таълим йўналиши, соҳаси, мутахассислигидан қатъи назар республикадаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилади;

Интеллектуал олимпиада халқаро тажрибани инobatга олиб, миллий қадриятларимизга мос келадиган интеллектуал ўйинлар бўйича ташкил қилинади;

Интеллектуал олимпиадани ташкил қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар (Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ўзбекистон шашка федерацияси ва бошқалар) имконияти ва салоҳиятидан кенг фойдаланилади;

умумжамоа ҳисобида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган олий таълим муассасасига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси топширилади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Интеллектуал олимпиада ғолиб ва совриндорларини ўз мутахассислиги бўйича кадрлар захирасига олиш амалиётини йўлга қўяди.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Интеллектуал олимпиадани ташкил қилиш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили апрель ойида «Интеллектуал ҳафталик» тадбирини тизимли равишда ўтказиб бориш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки:

«Интеллектуал ҳафталик» олий таълим муассасаларининг талабалари

ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни юзага келтириш, талаба-ёшларнинг билимга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, республиканинг турли ҳудудларида таҳсил олаётган заковатли ёшлар учун фикр алмашиш имкониятини яратиш, олий таълим муассасаларида интеллектуал тўғараклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида ташкил қилинади;

«Интеллектуал ҳафталик» давомида интеллектуал ўйинлар, илмий конференциялар, илм-фан, адабиёт соҳасида таниқли олимлар иштирокида семинарлар, маданий-маънавий тадбирлар, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилади;

«Интеллектуал ҳафталик»ни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов «Интеллектуал ҳафталик»ни тўлиқ ва самарали ташкиллаштириш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.

8. Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Қурилиш вазирлиги томонидан «Заковат» интеллектуал клуби учун алоҳида бино ҳамда Интеллектуал ўйинлар шаҳарчасини (кейинги ўринларда — объект) барпо этиш учун «Янги Ўзбекистон» боғига туташ ҳудуддан 3 гектар ер майдони танлаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, «Дўстлик» МФЙ ҳудудидаги «Янги Ўзбекистон» боғига туташ ҳудуддан 3 гектар ер майдонини (кейинги ўринларда — танланган ер участкаси) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан аҳоли пунктларининг шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари тоифасига ўтказиш;

танланган ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан чиқарилиши муносабати билан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловларини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев) икки ой муддатда:

танланган ер участкасининг амалдаги ер эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларидан қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишини ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини;

давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкасининг Ёшлар ишлари агентлигига объектни барпо этиш мақсадида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини;

Кадастр агентлиги билан биргаликда давлат ер кадастри маълумотларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш доирасида: Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи функциясини бажаради;

бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда ўтказилар диган тендер (танлов) натижаларига кўра аниқланади;

б) объектни қуриш ва жиҳозлаш харажатлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) объект қуриб битказилиб, фойдаланишга қабул қилингандан сўнг белгиланган тартибда Ёшлар ишлари агентлигига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул берилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев):

бир ой муддатда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги билан биргаликда «Заковат» интеллектуал клуби аъзолари учун очиқ рўйхатдан ўтиш электрон платформасини яратсин. Бунда, шу жумладан жамоалар, уларнинг рейтинг баллари ҳамда интеллектуал ўйинларнинг йўналиш ва босқичлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши назарда тутилсин;

уч ой муддатда интеллектуал ўйинлар ғолиблари ва совриндорлари учун Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Ёшлар оромгоҳи»да мавсумий ишлайдиган «Интеллектуал мактаб» лойиҳасини йўлга қўйсин.

11. Ташкилий қўмита (А. Абдувахитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили туман (шаҳар)лардан бирини «Интеллектуал ҳудуд» деб эълон қилиш ҳамда у ерда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Ёшлар» телеканали ҳамда тегишли ҳудудий телеканалларда интеллектуал ўйинларни кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкиллаштириб борсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.А. Джурабаев белгилансин.



Қарор ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси рахбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 август ҳамда 2023 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 январь,  
ПҚ-96-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ****22 Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш  
киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/5-сон қарори (рўйхат рақами 2443, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «илмий ташкилот ва таълим муассасалари» деган сўзлар «илмий ва таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис****А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 январь,  
ИНЛ-1877/21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 23 Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-А*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфра-тузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 569-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 январь,  
ИНЛ-1879/21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил  
5 январдаги ИНЛ-1879/21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 13-бандлардаги «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар «илмий ёки таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 21-банднинг учинчи хатбошисидаги «Илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар «Илмий ёки таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 33-банднинг биринчи хатбошисидаги «Илмий ташкилот ва таълим муассасаларининг» деган сўзлар «Илмий ва таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 37-банднинг биринчи хатбошисидаги «талабгорнинг олий маълумот ҳақидаги дипломи нухаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 48-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
6. 54-банднинг иккинчи хатбошисидаги «илмий ташкилот ва таълим муассасалари» деган сўзлар «илмий ва таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1877/21-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-4.**

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1879/21-сон «Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2894-4.**

